



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI  
BUYRÍGÍ**

16«avgust»2023 jil.

657-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил  
14 августдаги 03/1051-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 14 августдаги “Спортнинг таэквон-до (ИТФ) тури бўйича кичик ўсмирлар (ўғил болалар ва қиз болалар) ўртасида Ўзбекистон кубогини ўтказиш тўғрисида”ги 03/1051-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 14 августдаги 03/1051-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг таэквон-до (ИТФ) тури бўйича кичик ўсмирлар (ўғил болалар ва қиз болалар) ўртасида Ўзбекистон кубогини (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 23-24 сентябрь кунлари Фарғона вилоятида жойлашган “САМО” спорт мажмуасида ўтказилиши инobatга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Миллий (этно) ва ноолимпия спорт турларини ривожлантириш бўйича бош мутахассиси **(А.Кулымбетов)**, Ўзбекистон анъанавий таэквондо федерацияси Қорақалпоғистон бўлими **(Д.Тажимуратов)**лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш;

б) мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ тегишлилиги бўйича ходимларни мусобақада иштирок этишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ахборот хизмати **(А.Пиряров)**га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси бош мутахассиси **(А.Торениязов)**га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров